

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 21 апрель, № 81 (7311) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Аввал хабар қилинганидек, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турибди.**



Олий даражадаги ташриф доирасида 20 апрель куни Тошкент шаҳрида Корейс маданияти ва санъати уйининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин рафиқалари билан биргаликда ушбу дўстлик ва маданият саройини очди.

— Пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган ушбу муҳташам иншоот қиёфасида замонавий архитектура ютуқлари анъанавий корейс маданияти билан уйғунлашган. Бу маскан халқларимизнинг мустаҳкам дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори босқичга кўтарилганининг ёрқин тасдиғидир, — деди давлатимиз раҳбари.

— Бу марказ дўстлик, аҳиллик ва муштараклик майдонидир. Ўйлайманки, у Ўзбекистондаги корейс диаспораси, шу ерда ишлаётган кореяликлар ва барча ўзбекистонликлар учун умумий уй бўлади. Кўп жиҳатдан ўхшаш халқларимиз ва дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бораётгани давлатларимизни боғлаб туради, — деди Мун Чжэ Ин.

Саҳнада корейсларнинг юртимизга кўчириб келтирилиши, халқимиз билан аҳил яшаши ҳақида бадиий композиция намойиш этилди.

Маълумки, 1937 йилда Узоқ Шарқдан ўн минглаб корейслар мамлакатимизга кўчирилган. Ўша пайтдаги қийинчиликларга қарамай, ўзбек халқи уларни очиқ қалб билан қабул қилган, бошпана бериб, меҳр кўрсатган. Ўзининг меҳнатсеварлиги ва қатъий иродаси туфайли корейслар юртимизда иккинчи Ватанини топди. Бугун улар барчамиз учун ягона Ватан бўлган Ўзбекистонимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Корейс диаспораси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ажралмас қисми бўлиб, анъанавий тарзда мамлакат миқёсида ўтказиладиган барча оммавий ва маданий тадбирларда фаол иштирок этади.

Пойтахтимиздаги "Дўстлик боғи"да корейс диаспораси томонидан саховатли ўзбек заминидаги бағрикенглик, самимийлик ва ғамхўрлик, тинч ва осойишта ҳаёт учун миннатдорлик белгиси сифатида ёдгорлик монументи барпо этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда корейс миллатига мансуб 180 мингдан зиёд юртдошларимиз яшайди. Уларнинг уч юзга яқини давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Мамлакатимизда барча миллат ва элат вакиллари қатори корейс миллатига мансуб юртдошларимиз учун ҳам ўз миллий маданияти, тили, урф-одат ва анъаналарини асрабавайлаши ва ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Ўнлаб корейс маданият марказлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, 12 та олий таълим муассасасида корейс филологияси, 48 та мактаб ва лицейда корейс тили ўқитилмоқда. Корейс тилида китоб ва газеталар чоп этилмоқда, кўргазмалар, концерт ва фестиваллар ўтказилмоқда. Спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Давлат раҳбарлари ўзбекистонлик корейс рассомлари асарлари кўргазмаси билан танишди.

Бугун пойтахтимизга ўзгача кўрк бағишлаб турган Корейс маданияти ва санъати уйи қурилиши бундан уч йил муқаддам бошланган. Шавкат Мирзиёев ушбу иншоотга рамзий тамал тоши қўйиш маросимида қатнашган эди.

Корейс маданияти ва санъати уйи 478 ўринли киноконцерт зали, конференциялар зали, кутубхона, бадиий галерея, ресторан ва хизмат хоналарини ўз ичига олган. У жамоатчилик ва ёшлар интиладиган, муштарак маданиятимизни бойитадиган яна бир масканга айланади. Бу кун алоҳида стратегик шерик давлатлар — Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари тарихида яна бир ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин куннинг иккинчи ярмида Самарқанд шаҳрига келди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин рафиқалари ҳамроҳлигида Самарқанддаги тарихий обидаларни томоша қилди.

Давлат раҳбарлари дастлаб Мирзо Улуғбек расадхонасига ташриф буюрди. Амир Темурнинг суюкли набираси бўлган Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек буюк астроном олим ва ҳукмдор сифатида илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшган. Ўрта асрлардаёқ ноёб расадхона кашф қилиб, осмон жисмларини жуда аниқ ўрганган. Унинг "Зижи жадиди Кўрагоний" асари дунё астрономия фани ривожида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Мирзо Улуғбек ҳақида кореяликлар ҳам маълумотга эга экани, бу ерга келган киши унинг зеҳни, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси беқиёслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари "Афросиёб" музейида бўлди.

Самарқанд шаҳрининг уч минг йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи мазкур музей, бу ердаги ноёб экспонат ва деворий суратлар бутун дунё сайёҳларини, айниқса, кореяликларни ўзига жалб этиб келади. Чунки VII асрга оид деворий суратлардан бирида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея — Когурё элчисини қабул қилиш маросими ҳам акс этган.

Жанубий Корея Президенти ушбу тарихий суратни ҳайрат ва эътибор билан томоша қилар экан, халқларимиз ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалишини, бу дўстлик ва ҳамкорлик бундан кейин ҳам бардавом бўлишини таъкидлади.

Шу ерда, давлат раҳбарлари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Корея Республикасининг Маданий мерос маъмурияти ўртасида имзоланган маданий мерос соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми ўзаро алмашилди.

Дунёга машҳур Регистон майдони — аждодларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини намоён этувчи яна бир маскан. Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг маҳобати, ўзига хос архитектураси ҳаммада ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

Корея Республикаси Президенти ҳам Регистондаги Тиллакори мадрасаси ва масжидини, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаларини томоша қилди. Олий мартабали меҳмонга мадрасаларнинг қурилиш тарихи, пештоқларидаги нақш ва рамзларнинг мазмуни ҳақида сўзлаб берилди.

Шу ерда мажмуа зиёратига келган сайёҳлар ва Самарқанд шаҳри аҳолиси Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларини қарсаклар билан олқишлади.

Қайд этиш лозимки, дунё халқларининг нуфузли санъат байрамига айланиб улгурган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини Регистон майдонисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар икки йилда ўтказиладиган мазкур тадбирда Корея Республикаси жамоалари ҳам мунтазам қатнашиб, юқори натижаларга эришиб келмоқда. Хусусан, 2017 йилда ушбу давлатнинг "Геосонг" халқ қўшиқларини сақлаш фонди жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган эди. Жорий йилда Регистонда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўн иккинчи марта ўтказилади ва унда Кореядан ҳам жамоалар қатнашиши кутилмоқда.

Амир Темур мақбараси зиёрати чоғида меҳмонларга буюк бобомизнинг давлатчилик сиёсати, ҳарбий маҳорати, турли мамлакатлар билан дипломатик алоқалари ҳақида сўзлаб берилди. Амир Темур ва темурийлар давлати ўз даврининг энг улкан ва ривожланган мамлакати бўлгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

## БИЗ ва ЖАҲОН

# Саудия Арабистонида мамлакатимиз юксак эътироф этилди

*Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида Осиё арабшуносларининг I Халқаро конференцияси ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази вакилларидан иборат делегация қатнашди.*

Саудия Арабистонидаги Тадқиқотлар ва маърифий алоқалар маркази томонидан уюштирилган тадбирда Осиё қитъасининг 18 давлатидан арабшунос олимлар ва ушбу қитъа мамлакатлари билан қизиққан 100 нафардан зиёд тадқиқотчи ҳамда академиклар иштирок этди.

Тадқиқотлар ва маърифий алоқалар маркази директори, доктор Яҳё Маҳмуд бин Жунайд конференцияда сўзга чиқиб, анжумандан кўзланган мақсад маърифий алоқаларни тиклаш, ривожлантириш, шунингдек, Осиё арабшуносларининг келажакда ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришлари учун шарт-шароитлар яратиш эканлигини айтиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон диёрида туғилиб, асрлар давомида ижод қилган бир қатор буюк ҳадисшунослар, мутафаккир ва олимларнинг ислом цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда улардан қолган тарихий қўлёзма манбалар бугунги кунда қанчалик бебаҳо эканлиги ҳақида сўз борди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолияти йўлга қўйилгани эътироф этилди.

Конференция доирасида уюштирилган осиёлик рассомларнинг 50 га яқин санъат асарлари намойиши билан биргаликда араб ёзувидаги хаттотлик кўргазмаси ҳам қатнашчиларга манзур бўлди.

* * *

Саудия Арабистони Подшоҳлиги таълим-тарбия тизимида ҳар йили ўрта мактаб ўқувчилари томонидан хорижий давлатлар тақдимоти мусобақасини ўтказиш анъанага айланган.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Ар-Риёд шаҳрида жойлашган "Al-Rissalah" халқаро мактабида ташкил этилди. Мазкур таълим даргоҳида таҳсил олаётган ватандошларимиз томонидан Ўзбекистон тақдимоти тайёрланди.

Мусобақа талабларига мувофиқ, Ўзбекистон стендида давлат атрибутлари, амалий санъат асарлари, ўзбек таомлари ва ширинликлари, миллий либослар ҳамда мусиқий асбоблар намойиш этилди.

Унда ўзбекистонлик ўқувчилар юртимизнинг тарихи, замонавий давлат бошқаруви тизими, иқтисодиёти, маданияти, табиати, одамларнинг турмуш тарзи ва ўзбек заминида туғилиб, ижод қилган ҳамда дунё тамаддунига ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирлар ҳақида ўзбек, араб ва инглиз тилларида маълумот бердилар.

Ўзбекистон тақдимотини юксак баҳолашда, мактаб ўқувчилари Ватанимиз маданиятини миллий либосларда ва ўзбек рақс санъати орқали ифодалагани, видеолавҳалар ёрдамида эса Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари билан таништиргани, республикамизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида кенг маълумот бергани асосий мезон бўлди.

Маҳаллий таълим вазирлиги вакиллари, ишбилармонлар ва мураббийлардан ташкил топган мусобақа ҳакамлари гуруҳи хулосасига кўра, 21 хорижий давлат орасида Ўзбекистон тақдимоти барча номинация бўйича ғолиб, деб топилди.

**«Дунё» АА.**
Ар-Риёд

## Ўзбекистон — Жанубий Корея:
# МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти:**

— Мулоқотларимиз Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига тўла мослигини, халқаро ва минтақавий муаммолар, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари бўйича позицияларимиз яқин эканини намойиш этди. Бугун имзоланган Алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичга кўтарилганини кўрсатади.

**МУН Чжэ Ин,**
**Корея Республикаси Президенти:**

— Дунёнинг диққат марказида бўлиб келаётган Ўзбекистон Президентига чуқур ҳурматимни билдираман. Шавкат Мирзиёев ҳамма соҳалардаги — сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаётга доир ислоҳотлари билан Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичи сари етакламоқда. Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтардик. Уни ҳаётга татбиқ этиш механизмлари, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги йўналишларини муҳокама қилиб, истиқболли келишувларга эришдик.




# Муштарак мақсадлар ва тарихий ришталар

*Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида жорий йил 19 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб, депутатлар ва сенаторлар олдида нутқ сўзлади. Олий мартабали меҳмон икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари, парламентлараро муносабатлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бу ҳақда Қонунчилик палатаси депутатлари қуйидагиларни гапириб берди.*

➡ 2

## Эксклюзив интервью

ПАК Нинг Ху,
Корея Республикаси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазири:

# «Бизда тиббий суғуртани татбиқ этишга 40 йилдан зиёд вақт кетган бўлса, Ўзбекистон бу йўлни 20 йилда босиб ўтиши, шубҳасиз»

*Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда хорижий тажрибани ўрганиш, ундан тўғри хулоса чиқариб, татбиқ этиш муҳим масала саналади. Шу маънода, Жанубий Корея соғлиқни сақлаш тажрибаси Ўзбекистон учун энг мақбул тизимлардан биридир. Икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари хусусида Корея Республикаси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазири ПАК Нинг Ху "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарига эксклюзив интервью берди.*

**— Вазир жаноблари, аввало, Ўзбекистонга хуш келибсиз. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро муносабатларимиз ҳақида айтиб ўтсангиз.**

— Катта раҳмат. Юртингизга ташриф буюрганимдан, унинг гўзал ва бой маданий мероси билан яқиндан танишаётганимдан жуда хурсандман. Айтиш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёев ҳамда Президент Мун Чжэ Иннинг дўстона мулоқоти ва сиёсий иродаси туфайли тиббиёт соҳасидаги изчил ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди. Ҳозир соғлиқни сақлаш соҳасининг деярли барча жабҳасида биргаликда иш юритяпмиз. Мисол учун, шифохоналар қурилиши, кадрлар алмашиш, замонавий технологиялар келтириш, умуман, барча йўналишда изчил иш олиб борилмоқда.

➡ 2



# Ўзбекистон — Жанубий Корея:
# МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ БОСҚИЧИ



ПАК Нинг Ху,
Корея Республикаси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазири:

## «Бизда тиббий суғуртани татбиқ этишга 40 йилдан зиёд вақт кетган бўлса, Ўзбекистон бу йўлни 20 йилда босиб ўтиши, шубҳасиз»

1

Ҳамкорлигимизнинг ўзига хос жиҳати сифатида Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлигида ишлаб келган, катта тажриба тўплаган Ли Донг Ук ҳозирги пайтда юртингизда фаолият юритаётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Жаноб Ли айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари маслаҳатчиси ва соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари сифатида меҳнат қилмоқда.

Куни кеча давлатларимиз раҳбарлари иштирокида ўтган йиғилишда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Корея марказини ташкил этишга оид ҳужжат имзоланди. Бу мен учун чиндан ҳам қувончли воқеадир. Ушбу марказ Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини молиялаштириш, тиббий суғуртани татбиқ қилиш ҳамда рақамли тиббиётни йўлга қўйиш ишларини янада фаоллаштириб боради.

**— Бугун тиббиёт соҳаси энг ривожланган мамлакатлар ҳақида сўз кетганда, Корея Республикаси пешқадамлардан бири сифатида тилга олинади. Айтинг-чи, бундай муваффақиятга эришиш сири нимада?**

— Дарҳақиқат, Корея Республикаси қисқа вақт мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасида дунёда юқори ўринларга чиқишга муваффақ бўлди. “Бунинг асосий сири нимада?” деб берган саволингизга қуйидаги учта омилни келтирмоқчиман. Биринчидан, охирги қирқ йил ичида мамлакатимизда тиббиёт технологиялари жуда тез суръатда ривожланди. Иккинчиси, малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилди. Шу ўринда мутахассисларни қандай тарбиялашимиз ҳақида икки оғиз айтиб ўтсам. Даставвал мактабнинг юқори синфини билими, интилиши ва тиббиёт соҳасига қизиқиши бўйича тамомлаётган энг яхши ўқувчилардан уч нафарини танлаб оламиз. Улар тиббиёт олий ўқув юртларига кирганидан кейин энг тажрибали ўқитувчилардан сабоқ олади, касбини чуқур ўрганади. Умуман, институтлардаги ўқитиш тизими мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга жиддий туртки берди. Муваффақиятнинг учинчи сири — барча аҳолимиз тиббий суғурта билан таъминланган ва уларга мунтазам равишда юқори сифатли хизмат кўрсатилади.

**— Шу кунларда Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишяпсиз. Айтинг-чи, соҳани ривожлантиришда қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш керак?**

— 2017 йилда Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи давомида юртингиз тиббиёти ҳақида тўлиқ маълумотлар билан танишган эдим. Гувоҳ бўляпманки, аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Нафақат Жанубий Корея, балки тиббиёт соҳаси ривожланган бошқа давлатлар билан ҳам соғлиқни сақлаш тизимига янгиликлар, илғор технологиялар татбиқ этиляпти. Бугун мамлакатда амалга оширилаётган ишларни кўриб, шундай хулоса қилиш мумкин: Ўзбекистон яқин вақт ичида тиббиёт соҳасини, албатта, халқаро даражага етказади.

**— Айни пайтда Жанубий Корея томони юртимизда мажбурий тиббий суғуртани жорий этишга кўмаклашяпти. Шу йўналишда сизнинг мамлакатингизда қандай ислоҳотлар амалга оширилди ва бунга қанча вақт сарфланди?**

— Корея Республикасида мажбурий тиббий суғурта тизимини татбиқ қилиш 1977 йилда бошланган. Даставвал давлат хизматчилари ва йирик компаниялар ходимлари суғурта қилинган бўлса, 1980 йилга келиб буни мамлакатимиз аҳолисига нисбатан босқичма-босқич қўллашга киришилди. Мана, қирқ йилдан зиёд вақт ичида бутун мамлакат тиббий суғурта билан қамраб олинди. Бу жараённи давлат ўзи тўлиқ назорат қилиб борганини алоҳида эътироф этишим керак. Бугунги кунда фуқароларимиз тиббий суғуртадан қониқиб келмоқда. Дунёда Жанубий Кореядагидек суғурта тез ривожланган бошқа давлатни тополмайсиз. Аммо бир жиҳатни айтай, бизда тиббий суғуртани татбиқ қилишга 40 йилдан зиёд вақт кетган бўлса, Ўзбекистон бу йўлни 20 йилда босиб ўтиши, шубҳасиз. Умуман, бу ишларда давлатингизга фақат муваффақиятлар ёр бўлсин!

**— Алоҳида вақт ажратганингиз учун ташаккур!**

— Сизларга ҳам соғлиқ ва омонлик тилайман!

**Омонулла ФАЙЗИЕВ суҳбатлашди.**
**(«Халқ сўзи»)**

---

Иқтисодиёт

# Икки томонлама манфаатли лойиҳалар

*Наманганда Корея Республикасининг “Инчхон” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбари Ким Жин Ёнг бошчилигидаги ишбилармонлар вакиллари билан учрашувда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга кенгайиб бораётгани таъкидлаб ўтилди.*

“Наманган” эркин иқтисодий зонаси ва “Инчхон” эркин иқтисодий зонаси ҳамкорлигида амалга оширилиши режалаштирилаётган истиқболли лойиҳалар ҳам икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учрашувда юқоридаги эркин иқтисодий зоналар фаолияти, мақсад ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумот берувчи видеолавҳалар воситасида томонлар ўзаро тақдимот ўтказди.

— 2016 йилда вилоят ҳокими бошчилигида наманганлик ишбилармонларнинг Кореяга ташрифи чоғида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди, — деди Ким Жин Ёнг. — Бизнинг бугунги ташрифимиздан мақсад ана шу ҳужжат асосида амалий ҳамкорлик ишларини бошлашдир. Ҳозирча қайси йўналишда сармоя киритиш тўғрисида гапириш эрта, буни биз “Наманган” эркин иқтисодий зонаси билан яқиндан танишгач аниқлаймиз. “Наманган” ва “Инчхон” эркин иқтисодий зоналари ҳамкорлигида икки томонлама манфаатли лойиҳалар амалга оширилади.

Меҳмонлар Наманганнинг диққатга сазовор жойлари, жумладан, янги барпо этилаётган “Афсоналар боғи”, “Наманган” эркин иқтисодий зонасида яратилган шароит ва имкониятлар билан таништирилди.

---

Семинар

# Нодир металлар тадқиқ қилинади

*“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг Чирчиқ филиалида Жанубий кореялик мутахассислар ва олимлар иштирокида нодир ҳамда қаттиқ қотишмали металларни тадқиқ қилиш бўйича халқаро семинар бўлиб ўтди.*

Тадбирда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг нодир ва қаттиқ қотишмали металларни ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий-технологик марказини ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди.

— Ушбу халқаро анжуман Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этаётган бир вақтда очилаётганлигида ўзига хос рамзий маъно бор, — дейди Корея саноат технология институти раҳбари Сунг Ил Йи. — Ташриф ўзаро ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаришига ишонамиз. Институтимиз олимлари ҳамда мутахассислари ўзларининг янги ишланмалари ва тадқиқотлари билан мамлакатингизда тоғ-кон саноатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Семинар доирасида “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ илмий-технологик маркази тантанали равишда очилди. У Марказий Осиёда ягона, шунингдек, нодир металларни тадқиқ қилиш соҳасида жиҳозланиши бўйича дунёдаги энг яхши марказлардан биридир. Бу ерда бешта лаборатория ҳамда битта устахона фаолият юритади. Марказ маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги турларини яратиш ва сифат даражасини юксалтириш каби мақсадларга хизмат қилади.

Халқаро анжуманда ўзбекистонлик ҳамда Жанубий кореялик фан арбоблари, етакчи мутахассислар томонидан 40 дан ортиқ тақдимотлар қилинди, 20 дан зиёд маърузалар ўқилди.

---

# Миллий умумтаълим электрон кутубхонаси

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Миллий умумтаълим электрон кутубхонаси очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда Корея Республикаси экспорт-импорт банки президенти Юн Сунг Су, “LG CNS” компанияси президенти Ким Ён Соб, дипломатик корпус вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги мутасаддилари иштирок этди.*

Маънавият

Миллий умумтаълим электрон кутубхонаси (UZNEL) лойиҳаси республикамизда илк электрон кутубхона сифатида фаолият кўрсатиши кутилмоқда. Ушбу лойиҳа Корея Республикасининг иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси билан биргаликда амалга оширилди.

Лойиҳанинг мақсади ахборот-кутубхона муассасаларини ягона электрон кутубхона тизимига улаш орқали аҳоли билим савияси ва сифатини оширишдан иборат. Миллий умумтаълим электрон кутубхонаси электрон кутубхона, рақамлаштириш ва сканерлаш ҳамда мультимедиа марказларидан иборат.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган беш ташаббуснинг тўртинчиси, яъни аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ташаббусига ҳамоҳанг бўлиб, китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Маълум қилинишича, Миллий умумтаълим электрон кутубхона лойиҳасининг биринчи босқичида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва вилоятлардаги 20 та кутубхонани ўзаро боғлаб, ягона маълумот алмашинувини йўлга қўйиш кўзланган. Келажакда Ўзбекистондаги 200 та кутубхонани қамраб олиш режалаштирилган.

---

Қўшма корхоналар

# Инновацион технологиялар имконияти

*Бугунги кунда Андижон вилоятида Жанубий Корея компаниялари ҳамкорлигида 34 та корхона фаолият юритмоқда.*



ЎзА сурати.

“O‘zAuto — Austem” қўшма корхонаси — шулардан бири. Жанубий Кореянинг “Austem Ko LTD” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги мазкур саноат субъектида йилига 1,5 миллион донага яқин диск ҳамда автомобиль шасси қисмлари тайёрланиб, ички ва ташқи бозорга чиқарилади.

Бу ердаги технологик жараёнлар босқичма-босқич амалга оширилади. Корхонанинг пресслаш, йиғиш, пайвандлаш ва бўёқ линиялари хориждан келтирилган, иш унумдорлиги юқори бўлган замонавий дастгоҳ ҳамда ускуналар билан жиҳозланган. Маҳсулотлар сифати Халқаро ISO 9001:2015 ва IATF 169496:2016 стандартлари талаблари доирасида сифат менежменти тизими асосида кириш, оралиқ ва якуний тартибда назорат қилинади. Шунингдек, ҳар бир жараёндан сўнг лаборатория текширувидан ўтказиб борилади. Жорий йилда 350 нафардан зиёд ишчи-ходимлар меҳнат қилаётган корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, жумладан, экспорт ҳажмини 300 минг АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган.

---

Бандлик

# Малакали мутахассислар тайёрланмоқда

*Юртимизнинг бир қатор шаҳарларида ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш марказлари фаолияти йўлга қўйилганидан хабарингиз бор. Ушбу эзгу ташаббус Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида “Ўзбекистонда касб-ҳунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида амалга оширилган эди.*

Ана шу муассасалардан бири Шаҳрисабз шаҳрида фаолият олиб бормоқда.

— Бу ерда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб ва мутахассисликлар бўйича ўқитиш назарда тутилган. Шунингдек, инглиз ҳамда рус тиллари, тадбиркорлик ва бизнес асослари чуқур ўргатилади, — дейди марказ директори Фазлиддин Ражабов. — Айтиш керакки, марказ фаолиятини йўлга қўйиш учун KOICA томонидан 8,5 миллион долларлик грант ажратилиб, бу маблағ эвазига энг замонавий асбоб-ускуналар харид қилинди.

Айни пайтда марказда 227 нафар иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳамда таълим муассасалари битирувчилари металлга ишлов бериш, электроника ва энергетика, компьютер ҳамда тикув ва ип йигирув технологияларини чуқур ўрганмоқда. Марказда йилига 480 нафар малакали мутахассис тарбияланади.

Муассасада мавжуд бешта йўналишнинг ҳар бири учун 3 нафардан, жами 15 нафар мутахассис танлаб олинди ва улар Жанубий Кореяда малака ошириб қайтди. Қолаверса, бу ерда ҳар бир йўналиш бўйича бир нафардан жанубий кореялик мутахассис уч ой давомида фаолият юритиб, маҳаллий мутахассисларга, ўқувчиларга янги технологиялардан фойдаланиш сирларини тўлиқ ўргатди.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

---

# Муштарак мақсадлар ва тарихий ришталар

1

**Элдор ТУЛЯКОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Дарҳақиқат, Корея Республикаси Президентининг депутатлар ва Сенат аъзолари олдида сўзлаган тарихий нутқи биз, парламент аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Олий мартабали меҳмон ўз чиқишида икки давлатнинг бундан 1400 йил аввал бошланган дўстлиги, буюк ўзбек алломаларининг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида алоҳида тўхталиб, икки давлат ўртасидаги парламентлараро муносабатлар, манфаатли ҳамкорлик истиқболларини янада мустаҳкамлаш устувор мақсад эканини таъкидлади.

Шу билан бирга, давлат раҳбари икки мамлакатни боғлайдиган темир йўллар қуриш таклифини илгари сурди. Бу билан у Жанубий Корея Ўзбекистон тараққиётида фаол иштирок этиши мумкинлигини, Ўзбекистон эса Корея орқали дунёнинг энг катта уммони — Тинч океанига чиқиш имконига эга бўлишини қайд этди. Шунингдек, Корея томонидан мамлакатимизга космик тадқиқотлар бўйича ҳамкорлик қилиш, бу соҳада мутахассислар тайёрлаш, сунъий йўлдошлардан тўғридан-тўғри сигнал қабул қилувчи станция ташкил этиш бўйича ёрдам кўрсатилиши ҳақида ҳам маълум қилинди.

Албатта, буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатларида алоҳида ўрин эгаллаб, ўзбек ҳамда корейс халқларининг фаровонлигига, давлатларимизнинг жадал тараққиётига хизмат қилади.

**Баҳром ОБИДЖОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни тарихий дўстлик ришталари боғлаб туради. Қачонлардир тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган минглаб корейс оилалари ўзбек халқи билан дўст-биродар бўлиб яшаб келмоқда. Улар жамиятимизнинг фаол аъзосига айланиб, элимиз билан жипслашиб кетгани ҳеч кимга сир эмас.

Икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатлар сўнгги йилларда янада равнақ топди. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқларимизни яқинлаштиришда кўп сонли корейс диаспораси муҳим роль ўйнайди. 2017 йилда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз Ўзбекистонда яшаётганининг 80 йиллиги кенг нишонланганни ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг давлат ташрифи билан мамлакатимизга келиши икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. Айниқса, парламентлараро муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, икки мамлакат муносабатларида парламентлараро алоқалар муҳим ўрин тутади. Икки давлат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорлик 1995 йилда бошланган. Корея Республикаси Миллий Ассамблеясида “Корея — Ўзбекистон” парламент дўстлик ассоциацияси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида эса 2005 йилдан буён Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ фаолият юритади.

Илдизлари дўстлик, шерикчилик ҳамда шарқона қадриятлардан куч олаётган икки мамлакат муносабатлари келгусида ҳам юқори суръатлар билан жадал тараққий топаверади.

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ва давлатимиз раҳбари билан олиб борган музокаралари, икки давлат раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатлар манфаатли алоқаларимизни муттасил ривожлантириб боришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Олий мартабали меҳмон мамлакатимиз парламентида қилган ўз маърузасида икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқалар неча минг йиллар аввал бошланганини ва бу асрлар ўтиб, янада янги поғонага кўтарилиб, ривожланаётганини, кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётганини, икки мамлакат ўртасида бирорта муаммоли масала йўқлигини алоҳида таъкидлади. Икки давлат парламентлари ўртасидаги алоқалар ҳам йил сайин равнақ топиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Шак-шубҳасиз, айтишимиз мумкин, Мун Чжэ Иннинг юртимизга ташрифи икки мамлакат халқларининг манфаатларига хизмат қилади.

**Умиджон СУЛАЙМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Жанубий Корея юксак даражада тараққий этган, улкан иқтисодий, илмий-техникавий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга, тинчлик, эзгулик ҳамда ҳамжиҳатлик ҳукм сураётган мамлакат саналади. Мазкур давлат билан ҳамкорликнинг ривожланиши Ўзбекистон учун жуда муҳим ва фойдалидир.

Олий мартабали меҳмон парламентарийлар ҳузуридаги чиқишида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига, икки халқнинг бир-бирига бўлган илиқ муносабатларига алоҳида тўхталиб ўтди. Корея иқтисодий ривожланиш тажрибасини, албатта, Ўзбекистон билан ўртоқлашишини билдирди. Айни чоғда Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишида Олий Мажлис вакиллари ҳамда Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси аъзолари ҳам ўз ҳиссасини қўшишларига умид билдирди.

**«Халқ сўзи».**

---

Ҳамкорлик

# Ўзаро англашув меморандуми

*Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг юртимизга амалга оширган давлат ташрифи доирасида икки мамлакат Президентлари, ҳукуматлари ва вазирликлари ўртасида стратегик шериклик, инвестицияларни рағбатлантириш, тинчлик мақсадларида коинот тадқиқотларини ўтказиш, илм-фан, технологиялар ҳамда инновациялар, ҳуқуқ ва адлия соҳаларида ҳамкорлик қилишга оид ҳужжатлар имзоланди.*

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги ва Корея интеллектуал мулк идораси ўртасида ўзаро англашув меморандуми, шунингдек, икки давлатнинг Адлия вазирликлари ўртасида шериклик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди.

Бундан кўзланган асосий мақсад — интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларида ўзаро тажриба ҳамда ахборот алмашиш, қолаверса, томонларнинг юридик кадрлари малакасини ошириш бўйича узоқ ва қисқа муддатли амалиёт ўташ тадбирларини ташкил қилиш орқали икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат.

**«Халқ сўзи».**

# Йигирма уч асрлик қадимий шаҳар

## юртимизнинг жозибали сайёҳлик марказларидан бирига айланади

*Ахсикентни бутун Ўзбекистон яхши билади, унинг номи мамлакатимиз ташқарисига ҳам ёйилмоқда. Йигирма уч асрлик тарихга эга бу кўҳна шаҳар дунё илм-фани тараққиётига муносиб улуш қўшган алломалар, хусусан, темурийлар сулоласининг забардаст вакили — ўн икки ёшида тахтга ўтирган шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурни тарбиялаб ўстирган кент сифатида маълуму машҳур.*



> «Ахсикентда осориатиқалар, қизиқарли маълумотлар кўп. Масалан, бу ерда яратилган муҳандислик иншоотлари пишиқ-пухталиги билан эътиборни тортади. Археологик қазиш ишлари чоғида чиққан ер ости туннели ичимлик суви таъминоти кафолатли йўлга қўйилганидан далолат беради. Ўша пайтдаёқ ҳозирги сув тармоғига ўхшаш тизим барпо этилиб, туннель ичидан тортилган сопол қувурлар орқали 15 километр узоқликдаги Косонсойдан сув олиб келинган. Тизимнинг ишлаш механизми ҳам оддийликдан мураккаблик сари тарзида ишлаб чиқилган».

### Президент ташрифидан сўнг

Гарчи 1620 йилдаги кучли ер силкиниши Ахси қўрғонини тамоман вайронага айлантирган бўлсада, унинг номи, аждодлардан қолган осориатиқалар асрлар қаърига сингиб кетмади. Шаҳристон харобалари узоқ вақтлардан буён илмий жамоатчиликни қизиқтириб келмоқда. Хусусан, тарихчи олимлар — В. Бартольд, Ю. Заднепровский, И. Аҳроров, А. Анорбоев ва бошқа таниқли тадқиқотчиларнинг изланишлари натижасида кўҳна кент ҳақида қатор илмий хулосалар юзага келди.

Бундан икки йил аввал Президентимизнинг алоҳида эътибори билан ушбу тарихий меросни асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш ишлари янги босқичга кўтарилганини кўпчилик яхши билади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида "Ахсикент" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида ташкил қилинган давлат унитар корхонаси ёдгорликни вилоятнинг муҳим сайёҳлик марказига айлантириш ишларини жадал олиб бормоқда.



— Сиртдан қараганда оддий тупроқтепага ўхшаб кўринган Ахсикентнинг остида катта маънавий хазина ётибди, — дейди корхона директори, тарих фанлари номзоди Тоҳиржон Қозоқов. — Ҳар бир янги топилма, тикланаётган мерос натижасида тарихий ёдгорликнинг жозибадорлиги ортмоқда. Бу нафақат маҳаллий, балки хорижий сайёҳлар оқимини янада кўпайтиради, деганидир. Шу мақсадда ишлаб чиқилган махсус концепция доирасида ҳудудга кираверишда рамзий дарвоза қурилмоқда. Бобур ва Умаршайх Мирзонинг Камолиддин Беҳзод томонидан ишланган сурати нусхалари асосида ота-боланинг ҳайкалларидан иборат композиция яратиляпти. Шунингдек, каптархона ёдгорлиги тикланиб, мавжуд музейни ишга тушириш ҳаракати бошланди. Юқоридагиларга қўшимча равишда Сирдарё бўйлаб сув сайри йўлга қўйилади. Хориждан келтириладиган иккита катерда бирданига 40 киши саёҳат қила олади. Сайёҳлар учун 26 та туя ҳам келтирилади. Чет эллик туристларга хизмат кўрсатиш учун 15 нафар гид тайёргарликдан ўтмоқда. Улар кузатадиган меҳмонлар сафи ҳозирдан кенгаймоқда. Кейинги пайтларда Россия, Бельгия, Австрия, Япония, Жанубий Корея, Эрон, Покистон ва Ҳиндистондан ташриф буюрган сайёҳлар бу ерда ҳозиргача очилган иншоотлар қолдиқлари ҳамда бошқа экспонатларни қизиқиш билан томоша қилдилар.

Дарҳақиқат, Ахсикентда осориатиқалар, қизиқарли маълумотлар кўп. Масалан, шаҳарнинг узоқ йиллик тарихи кўплаб бадиий ва илмий асарларга жойланган. Бу ерда яратилган муҳандислик иншоотлари пишиқ-пухталиги билан эътиборни тортади. Археологик қазиш ишлари чоғида чиққан ер ости туннели ичимлик суви таъминоти кафолатли йўлга қўйилганидан далолат беради. Ўша пайтдаёқ ҳозирги сув тармоғига ўхшаш тизим барпо этилиб, туннель ичидан тортилган сопол қувурлар орқали 15 километр узоқликдаги Косонсойдан сув олиб келинган. Тизимнинг ишлаш механизми ҳам оддийликдан мураккаблик сари тарзида ишлаб чиқилган. Яъни сувни бутун шаҳарга бирдай етказиб бериш учун физика фанидаги туташ идишлар қоидасидан фойдаланилган.

Ахсикентликлар кўпроқ нима билан машғул бўлган? Бу саволга ер остидан қазиб олинган топилмалар жавоб беради. Улар орасида кулоллик буюмлари қолдиқлари, пўлатдан ясалган ашёлар кўплиги шаҳарда ҳунармандлик равнақ топганидан дарак. Маҳоратли кулоллар қўлида сайқалланган сопол идишлар ёрқин рангдаги нақшлари билан дунё бозорини забт этган бўлса, мустаҳкам қиличлар довруғи Буюк Ипак йўлидаги энг харидоргир моллар сирасига кирган. Жумладан, бу қиличлар Яқин Шарқнинг йирик савдо марказларидан бири — Дамашққача етиб борганлиги тарихий манбаларда қайд қилинган.

Давлатимиз раҳбари яқинда Наманган вилоятига ташрифи чоғида Ахсикент қўрғонида олиб борилаётган ишларни кўздан кечириб, бу ерда барпо этиладиган сайёҳлик мажмуаси лойиҳаси билан яқиндан танишди. Очиқ осмон остидаги музей кўринишида шакллантириладиган мажмуа ўзига хос жиҳатлари билан чинакам сайёҳлик иншоотига айланади. Лойиҳа ҳақида фикр юритар экан, Юртбошимиз унинг таркибига халқаро фестиваллар, конференциялар ўтказиш учун уч минг кишилик сиғимга эга бино қурилишини киритиш, шунингдек, мажмуага олий таълим муассасалари талабалари, мактаб ўқувчиларини кенг жалб қилиш, улар учун жонли дарслар ташкил этиш топшириғини берди.

— Кўриниб турибдики, мақсадлар улуғ, режалар бисёр. Хўш, Ахсикент қачон ҳақиқий сайёҳлик манзилига айланади?

— Бу саволингизга жаҳон тажрибасидан мисол келтириб жавоб қайтараман, — дейди Т. Қозоқов. — Ўтган йилнинг ноябрида Тўрақўрғонда ўтказилган халқаро анжуманда Жанубий кореялик туризм мутахассиси Чэон Жин Ёунг билан суҳбатлашиб қолдим. Айтишига қараганда, Кореядаги қадимий шаҳар Кванджу 20 йил мобайнида халқаро сайёҳлик майдонига айлантирилган экан. Биздаги ҳаракатлар анча жадал. Бироқ вазифаларимиз ҳам етарли. Энг муҳими, давлатимизнинг доимий эътибори ва моддий кўмагидан хурсандмиз. Демак, лойиҳа рўёбини топадиган кунлар жуда яқин.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

22 апрель — Бутунжаҳон Ер куни

# Она замин завол кўрмасин

*Ер ресурслари ҳимоясига инсониятнинг эътиборини кенгроқ жалб қилиш мақсадида БМТ Бош Ассамблеяси ташаббуси билан 1970 йилдан буён "22 апрель — Бутунжаҳон Ер куни" сифатида нишонланиб келинади. Мазкур сана сабаб ҳар йили муаммолар ечимига доир турли тадбирлар, анжуманлар ташкил этилади. Лекин қуруқ гаплар билан натижага эришиш қийин. Аниқ манзилли ва амалий ишлар фурсати аллақачон етган. Бинобарин, иқлим ўзгариши, чўлланиш, биологик хилмахилликнинг қисқариб бориши, атмосфера ҳавоси ва сув манбаларининг ифлосланиши, чиқиндилар билан боғлиқ муаммолар инсоният тақдирига қанчалик хавф солаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас.*

Афсуски, бунинг салбий таъсирлари Ўзбекистонда ҳам сезилмоқда. Республикамиз ҳудудининг 70 фоизи ёки 31,4 миллион гектари табиий шўрланган, қум кўчкилари, чангли бўрон ёки гармселлар таъсирига учраган қурғоқчил ва яримқурғоқчил майдонлардан иборат эканлиги, айниқса, Орол фожиаси оқибатида 5,5 миллион гектардан ортиқ ер чўлга айлангани ачинарлидир. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудининг 9,6 фоизи суғориладиган ерларга тўғри келса, ушбу майдонларда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95 фоиздан ортиғи етиштирилади. Қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдори ортиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Фуқаролик кодекси, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

2018 йилнинг июль ва жорий йилнинг февраль ойида Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорларидан келиб чиққан ҳолда, ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан суғориладиган ерларни яхшилашни ҳамда муҳофаза қилишни, шу жумладан, экин майдонларини мақсадли, оқилона ишлатишни, тупроқ ҳосилдорлигини ошириш бўйича мажбуриятларни кучайтириш, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик, ноқонуний қурилишларни тўхтатиш чораларини кўриш мақсадида Ер, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят, Фуқаролик, Солиқ кодексларига, шунингдек, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги ҳамда "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон атроф-муҳит муҳофазаси, хусусан, ерни асраб-авайлаш бўйича бир қатор халқаро конвенцияларга қўшилган ва ушбу йўналишдаги устувор вазифалар ижроси изчил таъминланяпти. Бунга давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Бинобарин, у Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги халқаро мажбуриятларни бажариш йўлидаги навбатдаги ҳужжатларидан бири бўлди.

Ерларни муҳофаза қилиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш, айниқса, суғориладиган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан назоратни янада кучайтириш, ер фонди ҳисобини юритишни тизимлаштиришга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари яратилаётгани диққатга сазовор.

Қолаверса, бу каби масалалар Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам кўтарилди, ундан сал аввалроқ эса, яъни 16 октябрдаги қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновация маркази ташкил этилди.

БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди тузилгани ҳам диққатга сазовор. Унинг натижасини бугун барчамиз кўриб турибмиз. Зеро, мазкур ташаббус ва саъй-ҳаракатлар туфайли Оролга ҳаёт қайтмоқда. Ҳудудда гўёки мўъжиза рўй бермоқда. Булардан шундай хулосага келиш мумкинки, инсон эзгу ният ила унинг рўёби учун астойдил ҳаракат қилса, ҳар қандай хато оқибатларини юмшатиш мумкин. Чунки ер — умуммиллий бойлик. Унинг ҳар қаричи қадрли. Ерни асраб-авайлаш йўлидаги бугунги барча юмушларимиз эртанги ҳаётимиз кафолатидир.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси.**

# Гулистонда замонавий поликлиника қурилади

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери раҳбарлигидаги депутатлар, тегишли соҳа вакилларидан иборат ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятида бўлиб, ҳудудда соғлиқни сақлаш соҳасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ишларига амалий ёрдам кўрсатмоқда.*

### Парламент ҳаёти

Мазкур жараёнларда депутатлар Гулистон шаҳри ҳамда Боёвут туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника, қишлоқ оилавий поликлиникалари, улардаги патронаж хизматининг самарадорлигини ошириш натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратяпти.

Ўрганишлар жараёнида Гулистон шаҳридаги тиббиёт муассасаларининг дислокацияси нотўғри ташкил этилгани аниқланди. Бу эса аҳолига турли ноқулайликларни келтириб чиқараётган эди.

Халқ вакиллари муаммони атрофлича ўрганиб чиққач, Гулистон шаҳрининг "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинида барча қулайликка эга замонавий поликлиника қуриладиган бўлди.

Бундан ташқари, пойтахтимиздан жалб қилинган малакали шифокорлар томонидан оғир ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказиляпти. Боёвут туманининг чекка ҳудудларида тиббий кўриклар ташкил этилаётир.

Депутатлар аҳолига сифатли ҳамда тезкор тиббий хизмат кўрсатишни янада жонлантириш мақсадида соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу ҳудудларда жойлашган барча тиббиёт муассасасига юқори интернет тезлигини таъминлаб берувчи шиша толали алоқа кабеллари ёткизиляпти.

Хусусан, Гулистон шаҳридаги оилавий поликлиникалар ва Боёвут тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасига ана шундай кабеллар олиб келиниб, "Электрон поликлиника" автоматлаштирилган ахборот тизими ҳамда корпоратив тармоқ ишга туширилди.

Ҳудудлардаги бундай кўламдор ишлар изчил давом эттириляпти.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### Тақдимот

# Кинематография санъати журнал саҳифаларида

*Пойтахтимизда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги муассислигидаги "Кино санъати" журналининг биринчи сони тақдимоти бўлиб ўтди.*




Унинг саҳифаларидан мамлакатимиз кино санъати, бадиий кенгаш фаолияти, замонавий кинофильмларга қўйилаётган талаблар ҳақидаги мақола ва материаллар ўрин олган. Шунингдек, "Nostalgie", "Йўл бошида", "Устун", "Очиғини айтганда" сингари ўнлаб қизиқарли рукнлар остидаги бадиий-публицистик мақолалар ўқувчиларнинг кино санъатига бўлган меҳрини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Журнал дизайни ва мақолалар мазмуни кино олами билан ҳамоҳанг. 68 саҳифадан иборат мазкур нашр йилда 4 марта чоп этилади.

Тақдимот маросимида иштирокчилар таъкидлаганидек, "Кино санъати" журналининг нашр этилиши соҳа мутахассислари, талаба ва мураббийлар, олимлар, кино ихлосмандлари учун эркин ижод минбари, илмий қўлланма бўлади.

**«Халқ сўзи».**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 9 МАРТДАН 15 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

Хабар

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/13-сон "Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994-1. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/1-сон "Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2989-1. (2019 йил 11 мартдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/10-сон "Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-10. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 27 февралдаги 01/10-10/45-сон "Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1860-3. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 27 февралдаги 01/10-10/51-сон "Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) "Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш"га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025-4. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 28 февралдаги 190-мҳ-сон "Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-4. (2019 йил 11 мартдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 28 февралдаги 191-мҳ-сон "Почта алоқасида франкирлаш машинасидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2008-2. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 29-сон "Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1297-4. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 49-сон "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларининг 4-иловасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-4. (2019 йил 11 мартдан кучга кирди).**

10. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 50-сон "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-4. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 28-сон "Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1245-4. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

12. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-11-сон "Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-7. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

13. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-09-сон "Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1942-2. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

14. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-07-сон "Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1396-5. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

15. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-06-сон "Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция консультанти фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1495-7. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

16. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-08-сон "Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1745-5. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

17. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-17-сон "Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2370-2. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

18. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-16-сон "Қимматли қоғозлар эгаларининг реестри тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-5. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

19. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-13-сон "Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-7. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

20. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-15-сон "Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1915-4. (2019 йил 12 мартдан кучга кирди).**

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/12-сон "Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

**2019 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-15. (2019 йил 13 мартдан кучга кирди).**

22. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-12-сон "Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1322-2. (2019 йил 13 мартдан кучга кирди).**

## Халқаро анжуман

# Дунёнинг таниқли гематологлари Тошкентда

*Пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий анжуман ноанъанавий акция билан бошланди. "Гематология ва трансфузион тиббиётнинг замонавий аспектлари" мавзуидаги ушбу тадбир аввалида иштирокчиларга табиий анор шарбати тарқатилди.*

Албатта, бунда рамзий маъно бор. Негаки, айни шу неъмат қонни кўпайтириш хусусиятига эга. Қолаверса, саломатлик учун муҳим дармондориларга бой.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти ҳамда Ўзбекистон гематологлари ва трансфузиологлари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Франция, Болгария, Туркия, Ҳиндистон сингари мамлакатлардан мутахассислар қатнашди. Анжуман доирасида "2019 — 2021 йилларда Глобал алянс тараққиёт учун дастури" меморандуми имзоланди. Дастурнинг мақсади гемофилия ва бошқа ирсий коагулопатия бўлган беморларга Миллий профилактик ёрдам дастурини ишлаб чиқиш, Нукус ва Андижон шаҳарларидаги минтақавий шифохоналар негизида гемофилия бўйича иккита қўшимча даволаш марказини ташкил этиш, шифокорлар ва гематологларни ўқитиш этиб белгиланди.

— Ушбу анжуман муҳим аҳамиятга эга, — дейди Бутунжаҳон гемофилия федерацияси президенти Аллан Вейл. — Боиси бу ерда бир минтақа эмас, балки дунё бўйича кучли гематолог мутахассислар жам бўлди. Гематология муаммолари ва беморларга янада қулай муолажа, зарарсиз дори-дармонлар ишлаб чиқиш каби масалаларда таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди. Анжуман доирасида федерация билан Ўзбекистондаги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти ўртасида уч йилга мўлжалланган шартнома имзоланди. Ана шу даврда қон наслий касалликлари диагностикасини йўлга қўйиш, лабораторияни замонавий технологик асбоб-ускуналар билан таъминлаш, мутахассисларни соҳанинг хориждаги йирик марказларида ўқитиш ҳам кўзда тутилган.

**Юлдуз ЎРМОНОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# Таклиф тадбиркордан, маблағ банкдан

*Акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк"и бугунги кунда мамлакатимиз молиявий хизматлар бозорининг фаол иштирокчиларидан бири сифатида танилган. Хусусан, банкнинг Наманган вилояти минтақавий филиали кейинги пайтда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ижросига яқиндан кўмаклашиб келмоқда. Шу туфайли мижозлар сони ҳам кўпайиб, молиявий кўрсаткичлар тобора яхшиланяпти.*

## Молия муассасаларида

### Хорижда ҳам талаб катта

Наманган туманидаги "Natural Frukt Juiss" масъулияти чекланган жамияти ҳам банкнинг молиявий ёрдами туфайли фаолиятини кенгайтириб бораётган субъектлардан биридир.

— 2016 йилда фойдаланишга топширилган корхонамиз олма, гилос, шафтоли каби мевалар шарбати ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди мазкур корхона раҳбари Аҳмаджон Муҳиддинов. — Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган замонавий технологик ускуналар юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш имконини бермоқда. Шу боис "Natural Frukt Juiss" ёрлиғи туширилган шарбатларга ички бозорда ҳам, қўшни мамлакатларда ҳам талаб катта. Ўтган йили Қирғизистон ва Қозоғистондаги истеъмолчиларга маҳсулотларнинг дастлабки туркуми жўнатилди. Натижада ҳисоб рақамимизга 100 минг АҚШ долларидан зиёд маблағ келиб тушди.

Бу йил хорижлик буюртмачилар кўпайиб, яна янги шартномалар имзоланди. Бироқ ҳисоб-китоб қилинганда, эҳтиёж ҳажмидаги маҳсулотни етказиб бериш учун шарбат қадоқланадиган қоғоз кутичалар етмай қолиши мумкинлиги маълум бўлди. Нима қилиш керак? Тадбиркорлар кредит олиш масаласини ўртага қўйди. Бир нечта молия муассасаларидаги шарт-шароитлар ўрганилди.

— Биз "Қишлоқ қурилиш банк" Наманган минтақавий филиали хизматларидан фойдаланишга қарор қилдик,



— дея сўзини давом эттиради А. Муҳиддинов. — Чунки бу ерда мижозларни жалб этиш, уларнинг талаб-эҳтиёжларига қараб иш юритиш кундалик фаолиятга айланган экан. Банк биносига киришимиз биланоқ бизни "Мижозга хизмат" ахборот марказининг вакили кутиб олди. Унга мақсадимизни баён этдик. Бизни тегишли мутахассисларга йўналтирди. Қисқаси, кўп ўтмай банк биносидан чиқиб кетаётганимизда масала тез ҳал бўлганлигидан ниҳоятда хурсанд эдик.

Чиндан ҳам, тадбиркор тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, молия муассасасига тақдим этганидан сўнг кўп кутишига тўғри келмади. Тез орада бир миллиард сўмликдан ортиқ кредит ажратилди. Хитойлик ҳамкорлар билан олдиндан шартнома тузиб қўйилгани учун ишнинг кейинги босқичи ҳам тез битди. Натижада ишлаб чиқариш мароми бузилмади. Корхонанинг истеъмолчилар олдидаги мажбуриятлари ҳам вақтида бажариладиган бўлди.

Бугунги кунда "Natural Frukt Juiss" цехларида замонавий ускуналар тўхтовсиз ишлаб турганига гувоҳ бўласиз. 160 кишилик жамоа юқори унумдорлик ва сифатга эришиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. 125, 250 граммли ва 1 литрли бежирим идишларга қадоқланган мева шарбатлари цехлардан омборга жўнатилмоқда. Конвейернинг узлуксизлигини таъминлашда бош технолог Каримжон Отабоев, энергетик Раҳим Дадабоев, операторлар Алёр Пўлатжонов, Улуғбек Қозоқов каби ишчи ва мутахассислар барчага ўрнак кўрсатмоқда.

### «Хавотирим ўринсиз экан»

Мафтуна Тожибоева Учқўрғон туманидан. Ёш бўлишига қарамай, тадбиркор сифатида элга танилди.

У 2011 йилда Наманган муҳандислик-педагогика институтини битириб, "Келажак замон сардори" масъулияти чекланган жамиятида иқтисодчи сифатида фаолият бошлади. Аммо бу билан чекланиб қолмасдан, ўзи пухта биладиган каштачилик ва тикувчи-бичувчилик касбларини ёшларга ўргатадиган курсларда машғулотлар олиб борди. Турли семинар-тренингларда қатнашиб, бизнес юритиш сирларини ўрганди. Шу боис уни ўтган йил бошида ўзи ишлаб турган МЧЖ таъсис этган "SanNoz" масъулияти чекланган жамияти раҳбарлигига таклиф этишди. Мазкур корхона кўп тармоқли бўлиб, асосий йўналиши тикувчилик қилиб белгиланганди. Лекин бунинг учун аввал ишлаб чиқаришни ташкил этиш лозим эди.



— Дастлаб ўз олдимга иккита вазифа қўйдим, — дейди М. Тожибоева. — Биринчиси, тикув дастгоҳлари харид қилиш учун банкдан кредит олиш, иккинчиси, янги корхонада меҳнат қиладиган ишчилар ва мутахассислар жамоасини шакллантириш эди. Таниш тадбиркорлар билан маслаҳатлашсам, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Учқўрғон филиалидан маблағ олишни маслаҳат беришди. Ростини айтсам, дастлаб бир оз чўчидим. Чунки кредит олиш ва уни қайтаришнинг ўзи бўлмайди-да. Кейин билсам, беҳуда ташвишланган эканман. Банк мутахассислари биз қўйган масалани шу вақтнинг ўзида ҳал қилиб беришди.

Ҳадемай, "SanNoz" МЧЖнинг тикувчилик корхонаси иш бошлаганига бир йил тўлади. Банкнинг 800 миллион сўмлик кредити ҳисобига сотиб олинган дастгоҳлар ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бугунги кунда мамлакатимизнинг қатор вилоятларидаги савдо тармоқларида учратиш мумкин. Ҳозирги кунда корхонада 110 га яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил этади. Қисқа муддат ичида тайёрланаётган тикув буюмларининг тури йигирма хилдан ошиб кетди. Даромад кўпайиши эса кредит маблағини ўз вақтида қайтариш имконини бермоқда.

"Қишлоқ қурилиш банк"нинг Учқўрғон филиали ажратган кредит ҳисобига туманда яна бир саноат корхонаси пайдо бўлди. Бу ерда гап "Учқўрғон макарон маҳсулотлари" ҳақида кетмоқда. Ўтган йил охирида ушбу ишлаб чиқариш субъектида банкдан олинган 2 миллиард 700 миллион сўм эвазига керакли замонавий асбоб-ускуналар харид қилинди. Эндиликда бу ерда ишлаб чиқарилган макарон маҳсулотлари нафақат туман, балки вилоят ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларига ҳам етказиб борилмоқда.

Реклама ўрнида

Акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк"инининг Учқўрғон филиали бошқарувчиси ўринбосари Э. Холмирзаевнинг айтишича, ўтган йили жами кредит қўйилмаларининг ҳажми 128 миллиард 895 миллион сўмни ташкил этган. Шундан 45 миллиард 759 миллион сўми кичик бизнес субъектларига йўналтирилди. Бу эса туманнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳисса бўлиб қўшилди.

**Банк ахборот хизмати кўмагида**
**Нурбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

ЭЪЛОНЛАР

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

**2018/2019 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари ҳамда буюртмалар асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.**

| Т/р | Коди | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи | Битирувчиларнинг умумий сони | шу жумладан: Жами грант | шу жумладан: Жами тўлов-шартнома | Худудлар бўйича: Қорақалпоғистон Республикаси | | Андижон вилояти | | Бухоро вилояти | | Жиззах вилояти | | Навоий вилояти | | Наманган вилояти | | Самарқанд вилояти | | Сурхондарё вилояти | | Сирдарё вилояти | | Тошкент вилояти | | Фарғона вилояти | | Хоразм вилояти | | Қашқадарё вилояти | | Тошкент шаҳри | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш |
| | | **ЎзДК бўйича жами битирувчилар сони** | **347** | **94** | **253** | **2** | **4** | **4** | **23** | **4** | **13** | **1** | **4** | **4** | **4** | **5** | **16** | **4** | **20** | **2** | **3** | **3** | **7** | **15** | **25** | **9** | **39** | **1** | **16** | **5** | **14** | **35** | **65** |
| | **БАКАЛАВРИАТ** | | **315** | **87** | **228** | **2** | **2** | **4** | **23** | **4** | **13** | **1** | **3** | **4** | **4** | **5** | **16** | **4** | **18** | **2** | **3** | **3** | **7** | **11** | **24** | **8** | **37** | **1** | **15** | **5** | **13** | **33** | **50** |
| 1. | 5150100 | Бастакорлик санъати | 8 | 2 | 6 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | 3 | 1 | 1 | | | | | 1 | 1 |
| 2. | 5150201 | Санъатшунослик: мусиқашунослик | 15 | 4 | 11 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | 3 | 2 | 5 | | 1 | | | 2 | |
| 3. | 5150501 | Дирижёрлик: академик хор дирижёрлиги | 19 | 4 | 15 | | | | 2 | | | | | | | 1 | 3 | | | | | | 2 | 3 | 1 | | 2 | | | | | | 5 |
| 4. | 5150601 | Вокал санъати: академик хонандалик | 26 | 7 | 19 | | 1 | | 2 | 1 | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | 1 | 2 | | | | | 3 | 1 | | 2 | | 2 | 1 | 3 | 1 | 2 |
| 5. | 5150602 | Вокал санъати: анъанавий хонандалик | 27 | 8 | 19 | 1 | | | 1 | 1 | 4 | 1 | | 1 | | 1 | 2 | | 1 | | | | | | 1 | 1 | 6 | 1 | 2 | 1 | | | 2 |
| 6. | 5150603 | Вокал санъати: эстрада хонандалиги | 25 | 6 | 19 | | | | 1 | | 1 | | | | | | 1 | | 2 | | | | | | 4 | | | | | | 2 | 6 | 8 |
| 7. | 5150701 | Чолғу ижрочилиги: фортепиано (орган) | 28 | 8 | 20 | | | | 1 | 1 | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | 3 | 1 | 1 | | | | 1 | 2 | 6 | | 2 | 1 | 1 | 3 | 1 |
| 8. | 5150702 | Чолғу ижрочилиги: торли чолғулар | 15 | 6 | 9 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 2 | 6 | 6 |
| 9. | 5150703 | Чолғу ижрочилиги: ёғоч-дамли чолғулар | 14 | 4 | 10 | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | 4 | 5 |
| 10. | 5150704 | Чолғу ижрочилиги: мис-дамли ва зарбли чолғулар | 16 | 7 | 9 | | | | 2 | | | | | | | | 1 | 2 | 2 | | | | | 3 | 1 | | 1 | | 1 | | | 2 | 1 |
| 11. | 5150705 | Чолғу ижрочилиги: мизробли халқ чолғулари | 21 | 6 | 15 | | | 2 | 3 | | 1 | | | 1 | | | 2 | | 1 | | 1 | | | | 1 | | 1 | | 2 | 1 | | 2 | 3 |
| 12. | 5150706 | Чолғу ижрочилиги: дамли ва урма халқ чолғулари | 13 | 6 | 7 | 1 | | | 2 | 1 | 1 | | | | | 1 | | | 1 | | | 2 | | | | | 2 | | | | | 1 | 1 |
| 13. | 5150707 | Чолғу ижрочилиги: камонли ўзбек халқ чолғулари | 12 | 4 | 8 | | | 2 | 3 | | 2 | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | 2 |
| 14. | 5150708 | Чолғу ижрочилиги: анъанавий чолғулар | 27 | 6 | 21 | | 1 | | 1 | | 1 | | | 1 | 1 | 1 | 2 | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 5 | | 2 | | 3 | 2 | 2 |
| 15. | 5150709 | Чолғу ижрочилиги: эстрада чолғулари | 25 | 4 | 21 | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | 4 | 1 | 6 | | | | 2 | 1 | 1 | 1 | 6 |
| 16. | 5151400 | Техноген санъат: мусиқий овоз режиссёрлиги | 24 | 5 | 19 | | | | 3 | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 3 | | | | | | | | 5 | | | | 1 | 2 | 5 |
| | **МАГИСТРАТУРА** | | **32** | **7** | **25** | | **2** | | | | | | **1** | | | | | | **2** | | | | | **4** | **1** | **1** | **2** | | **1** | | **1** | **2** | **15** |
| 1. | 5A150101 | Бастакорлик санъати | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | |
| 2. | 5A150202 | Мусиқа санъати | 4 | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | 1 | | | | 1 | | | | |
| 3. | 5A150501 | Дирижёрлик: академик хор дирижёрлиги | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 |
| 4. | 5A150501 | Дирижёрлик: опера-симфония дирижёрлиги | 4 | 1 | 3 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | 2 |
| 5. | 5A150601 | Вокал санъати: академик хонандалик | 4 | 1 | 3 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 2 |
| 6. | 5A150701 | Фортепиано (орган) | 3 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 |
| 7. | 5A150702 | Чолғу ижрочилиги: торли чолғулар | 2 | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 |
| 8. | 5A150702 | Чолғу ижрочилиги: пуфлама ва зарбли чолғулар | 3 | | 3 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | 2 |
| 9. | 5A150702 | Чолғу ижрочилиги: анъанавий чолғулар | 3 | | 3 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 |
| 10. | 5A150702 | Чолғу ижрочилиги: эстрада чолғулари | 3 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 |
| 11. | 5A151401 | Техноген санъат: мусиқий овоз режиссёрлиги | 3 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 2 | | | | | | |

*Изоҳ: г — давлат гранти асосида битирувчилар,*
*ш — тўлов-шартнома асосида битирувчилар.*

**Маълумот учун телефонлар: 71-244-53-20, 71-244-85-85.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.**

344R/230

## Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи

**2019/2020 ўқув йили учун 1 ва 5-синфларга (мактаб синфларига) ўқувчилар қабулини эълон қилади.**

Ҳужжатлар 2019 йил 22 майдан 7 июнгача соат 9.00 дан 14.00 гача қабул қилинади.
Маслаҳат кунлари — 27 майдан 7 июнгача.
Имтиҳонлар 2019 йил 8 ва 9 июнь кунлари бўлиб ўтади.

***Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 4-уй.***
***Телефон: 71-246-03-24.***

**28, 76, 131, 87, 34-автобусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати.**

340J/231

IPOTEKA BANK

## «Ипотека-банк» АТИБ

**йиллик ҳисоботини замонавий дизайн шаклида тайёрлаш ва чоп этиш бўйича танлов эълон қилади.**

**Танлов таклифи қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:**
**тузиладиган шартнома лойиҳаси (етказиб бериш шартлари, санаси, тўлов миқдори ва муддати).**

Танловда иштирок этиш муддати — 2019 йил 25 апрель куни соат 17.00 га қадар (Тошкент вақти билан).
Танловда қатнашиш учун тижорат таклифлари «Ипотека-банк» АТИБга юборилади.

**Банк учун энг мақбул шартларни умумлаштирган ҳолда таклиф этган иштирокчи танлов ғолиби, деб тан олинади.**

*Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 30-уй.*
*Маълумот учун телефон: 78-150-98-03.*

Хизматлар лицензияланган.

323J/218

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси Комиссия аъзоси **Олимжон АБДУНАЗАРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6